



Fidoyilik –
Vatanga xizmat demak!

Zarafshon

www.zarnews.uz
https://www.facebook.com/zarnews.uz
@zarnews_uz
https://twitter.com/zarnews_uz

Кун ҳикмати

Орзу-
ҳавасингизни
ҳадеб пеш
қилаверманг.
Аввало, унга
эришажак
имкониятингизни
баҳолаб кўринг.

1913-yil aprel oyidan chiqa boshlagan

zarafshonbot



Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг

2021-yil 13-aprel, seshanba, 43 (23.479)-son

Рамазон ойи муборак бўлсин!

Бугун, 13 апрелдан юртимизда эзгулик ва маънавий поклик, саховат ва меҳр-шафқат, қаноат ҳамда шукроналик рамзи бўлган муборак Рамазон ойи бошланди.

Ушбу кутлуг оининг жамиятимиз ҳаётида тинчлик-барқарорлик, ўзаро ҳурмат ва ҳамжиҳатлик муҳитини янада мустаҳкамлаш, халқимизнинг диний-маънавий қадриятларини асраш ва ривожлантириш борасидаги аҳамияти ҳисобга олинган ҳолда ҳамда уни ҳар томонлама муносиб ўтказиш мақсадида яқинда давлатимиз раҳбарининг қарори қабул қилинди. Мазкур ҳужжатда бу муборак ойда амалга оширилиши керак бўлган вазифалар, эътибор қаратилиши лозим жиҳатлар белгиланган.

2020 йил пандемия сабабли масжидларда таровех намозларини жамоат билан адо этиш имконияти бўлмаган эди. Бу йил эса кечадан бошлаб вилоятимиздаги 288 масжидда таровех намози адо этилмоқда. Жумладан, 114 масжидда Хатми Қуръон бошланди.

Лекин ҳали юртимизда, умуман, дунёда коронавирус инфекцияси билан боғлиқ мураккаб вазият сақланиб тургани сабабли юрдошларимиздан карантин қоидаларига қатъий риоя этишларини сўраймиз. Масжидда ҳам намозхон биродарларимиз тиббий ниқобда бўлишлари, оралик ижтимоий масофа сақлашлари ва антисептик воситалардан фойдаланишлари лозим. Ифторлик маросимларини ҳам ўз оилалари

даврасида, яқинлари иштирокида ихчам тарзда ўтказишлари мақсадга мувофиқлигини эслатиб ўтмоқчимиз.

Рамазон ойининг фазилатлари ҳақида муқаддас китобларимизда, диний-маърифий суҳбатларда жуда кўп ибратли фикрлар баён этилган. Бундан халқимиз яхши хабардор. Шундай бўлса-да, бу муборак кунларда халқимизни, хусусан, ёшларимизни эзгу ишларга бошлаш ва турли ёмон йўللاردан қайтариш, улар қалбиде меҳр-мурувват, бағрикенглик, шукроналик сингари ҳислат ва фазилатларни уйғотиш мақсадида Самарқанд телевидениеси орқали ҳар кун саҳарлик чоғида "Саҳарликда барака бор" ва ифторлик вақтида "Рамазон туҳфаси" номи диний-маърифий кўрсатув тайёрлаб эфирга узатиш режалаштирилган. Шунингдек, ҳар кун саҳарлик вақтида Zarnews.uz ва Sammuslim.uz телеграм каналлари орқали ҳам маърифий суҳбатлар халқимизга тақдим этилади.

Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг Самарқанд вилоятидаги вақиллиги ва барча имом-хатиблар номидан вилоятимиз аҳлини кириб келган Рамазон ойи билан муборакбод этамиз. Аллоҳ таоло бу оининг фазилатларидан ҳар биримизни баҳраманд айласин!

Зайниддин ЭШОНҚУЛОВ,
вилоят бош имом-хатиби.

Рамазон ойи арафасида Пахтачи туманида "Хўжа Зиёвуддин", Иштихонда "Эшон Темирхон", Кўработда "Домла Камолиддин Охун" жоме масжидлари фойдаланишга топширилгани ҳам мўмин-мусулмонларга кутлуг ойда ажойиб туҳфа бўлди. Ушбу масканларнинг очилиш маросимларида Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий Усмонхон Алимов, вилоят ва туманлар ҳокимлари, жамоатчилик вақиллари иштирок этди.

Рамазон кунлари	Апрель	Ҳафта кунлари	Саҳарлик вақтлари	Ифторлик вақтлари
1	13	Сешанба	04:37	19:13
2	14	Чоршанба	04:35	19:14
3	15	Пайшанба	04:34	19:15
4	16	Жума	04:32	19:16
5	17	Шанба	04:30	19:17
6	18	Якшанба	04:28	19:18
7	19	Душанба	04:26	19:19
8	20	Сешанба	04:26	19:20
9	21	Чоршанба	04:25	19:21
10	22	Пайшанба	04:24	19:23
11	23	Жума	04:22	19:24
12	24	Шанба	04:20	19:25
13	25	Якшанба	04:18	19:26
14	26	Душанба	04:17	19:27
15	27	Сешанба	04:15	19:28
16	28	Чоршанба	04:13	19:29
17	29	Пайшанба	04:11	19:30
18	30	Жума	04:10	19:31
19	1	Шанба	04:08	19:31
20	2	Якшанба	04:07	19:32
21	3	Душанба	04:04	19:33
22	4	Сешанба	04:02	19:34
23	5	Чоршанба	04:00	19:35
24	6	Пайшанба	03:59	19:36
25	7	Жума	03:57	19:37
26	8	Шанба	03:56	19:38
27	9	Якшанба	03:54	19:40
28	10	Душанба	03:53	19:41
29	11	Сешанба	03:51	19:42
30	12	Чоршанба	03:50	19:43

Рамазон тақвими (Самарқанд вақти билан)



САМАРҚАНДДА ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ Финляндия билан ҳамкорликда очилади

Мамлакатимиз раҳбари таклифи билан ўтган йили ноябрь ойдан Финляндия таълим тизими тажрибаси ўрганилмоқда. Шу кунларда эса "Ўзбекистон-Финляндия таълимнинг ҳамкорлик истиқболлари" мавзусида халқаро илмий-амалий форум ўтказилмоқда.

Навой, Бухоро ва Самарқанд вилоятларида ташкил этилган форум доирасида "Rovio" компанияси директори, таълим инвестори Питер Вестербака ҳамда Финляндия таълим соҳаси вақиллари кеча Самарқанд давлат

университети ректори Р.Холмуродов ва "Ипак йўли" халқаро туризм университети биринчи проректори Ж.Элтазаровлар билан учрашди.

Учрашувда икки давлат ўртасидаги таълим тизими бўйича

ҳамкорлик натижалари ва истиқболдаги режалар хусусида сўз борди. Айни пайтда Финляндиялик бир гуруҳ педагоглар Навоий вилояти Зарафшон шаҳридаги мактабларда ўқувчиларга таълим берапти. Бундай тажриба яқин орада Самарқандда ҳам йўлга қўйилиши айтилди.

- Финляндияда қайси таълим муассасаси энг яхши, деган саволга ҳамма бир хил "энг яқини" деб жавоб беради, - дейди Питер

Вестербака. - Сабаби, бизда ҳар бир ўқув даргоҳида таълим сифати белгиланган стандартларга мос келади. Ўзбекистонда ҳам яқин йиллар ичида ҳар бир мактаб, энг яхши таълим муассасаси деб эътироф этилишига ишонаман. Бунинг учун аввало, ўқитувчилар малакали бўлиши керак. Финляндиялик педагоглар улар билан ҳамкорликда ишлашга, яқиндан кўмак беришга тайёр. Учрашувда Самарқандда янги

педагогика институти Финляндия билан ҳамкорликда ташкил этилиши режалаштирилаётгани маълум қилинди.

Тадбир иштирокчилари Қорасув массивидаги 81-умумий ўрта таълим мактабиде бўлиб, бу ерда ўқувчилар учун яратилган шароитлар билан танишди. Келгусида бу таълим муассасасида финляндиялик ўқитувчилар дас бериши айтилди.

Тўлқин СИДИҚОВ,
Бахтиёр МУСТАНОВ (фото).

Қайси таълим муассасаларида коронавирус аниқланди?

Кейинги кунларда ижтимоий тармоқларда вилоятимиздаги айрим таълим муассасалари ўқитувчи ва ўқувчиларида коронавирус аниқланиб, карантинга олингани, таълим жараёнлари масофавий шаклга ўтказилгани ҳақида хабарлар тарқалди.

Бу хабарларга ойдинлик киритиш мақсадида Самарқанд вилоят санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги бошқармаси масъулларига мурожаат қилдик.

Бизга берилган маълумотларга кўра, жорий йилнинг 11 апрель ҳолатида вилоятимизда 18 нафар ўқитувчи ва 29 нафар ўқувчида «COVID-19» инфекцияси аниқланган.

Жумладан, Самарқанд шаҳридаги 34, 32, 35, 71, 12-умумий ўрта таълим мактабларида, шунингдек, Каттакўрғон туманидаги 50, 5, 13-мактабларда, Самарқанд туманидаги 4- ва Ургут туманидаги 26-умумтаълим мактаби ўқитувчи ва ўқувчиларида коронавирუსга чалиниш қайд этилган. Ушбу таълим муассасаларида дезинфекция тадбирлари ўтказилмоқда. Касалликка чалинган беморлар белгиланган тартибда даволанмоқда. Беморлар улар билан мулоқотда бўлганлардан лаборатория таҳлиллари олинди, текширилди. Касаллик аниқланган муассасалар масофавий ўқитиш усулига ўтказилди.

Кеча Тошкент ахборот технологиялари университети Самарқанд филиали ахборот хизмати ҳам мазкур таълим муассасасининг бир неча талаба ва



ўқитувчиларида коронавирус аниқланганлиги туфайли ушбу олийгоҳда таълим 12 апрелдан бошлаб 14 кун давомида масофавий шаклга ўтказилгани маълум қилди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, юрдошларимизни ҳушёрликка чақирамиз.

Ўзингиз ва ўзгалар саломатлигига бефарқ бўлманг!
Жамоат ҳамда иш жойларида тиббий ниқобдан фойдаланинг!
Ижтимоий масофани сақлаш, қўлларни мунтазам равишда ювиб туриш, антисептик воситалардан фойдаланишни унутманг!



Сазагонда бўлганмисиз?

Ёки тоғолди қишлоғидан кичик лавҳа

Нуробод туманидаги шундай манзил ҳақида нафақат вилоятимизда, балки бутун республикамизда эшитмаган одам бўлмаса керак. Негаки, пурвиқор тоғлар бағрида жойлашган бу қишлоқ узоқ йиллик тарихга эга. Шунга монанд ўзининг ривожланиш йўлига ҳам. Албатта, бошқа жойларда бўлгани каби бу ерда ҳам муаммолар йўқ эмас. Аммо ...

ТОШ ДАВРИДАН ҚОЛГАН МАКОН

Қишлоқ тарихи билан қизиқиб кўрсангиз у ўлкамиздаги энг қадимий манзиллардан бири эканлигига ғавоҳ бўласиз. Бир гуруҳ олимларнинг фикрича, Сазагон маданияти Марказий Осиё неолит маданияти тизимида мустақил маданият ҳисобланади.

Қишлоқдан 1964 йилда Мавлон Жўрақулов бошлиқ археолог олимлар томонидан неолит даври ёдгорлиги топилган. Ҳозирги кунга қадар давом этаётган тадқиқотлар натижасида бу макондан тоғли жамоаларга хос кўплаб тош қуроллар топиб ўрганилган.

Ушбу маданиятни ўрганиш натижасида Зарафшон воҳаси тоғолди минтақаларида яшаган неолит жамоаларининг турмуш тарзи, маънавий дунёси, ҳўжалиги, мада-

ний алоқалари масалалари бўйича кўплаб маълумотлар тўпланган. Хусусан, Сазагон маконидан топилган ёрғучоқ, қадаматош (ўроқ) тиглари зироатчиликдан, қўй, эчки суякларига эса чорвачиликдан далолат беради. Аммо топилмаларнинг умумий таҳлили бу жамоаларнинг асосий ҳўжалиги овчилик ва теримчилик бўлганлигини кўрсатади.

Қайд этиш лозимки, Сазагон археологик ёдгорликларида олиб борилган қазилмалар чоғида топилган археологик ашёлар, жумладан, тош қуроллар - тош ўзаклари, қирғич, кескич, тешигич ҳамда сополлар Самарқанд давлат музей-қўриқонасининг «Ўзбекистон дунё маданиятлари чорраҳасида» экспозициясига киритилган.

2-саҳифа >>>

ВИЛОЯТИМИЗДА БИРИНЧИ ЧОРАҚДА ҚАНЧА САРМОЯ ЖАЛБ ЭТИЛДИ?

Вилоятимизга 2021 йилнинг биринчи чорақида умумий қиймати **832,1 миллиард сўмлик** инвестиция киритилиши ҳисобига **248 та** лойиҳа амалга оширилди ва **1808 та** иш ўрни яратилди. Жумладан, саноатда **282,5 миллиард сўмлик 55 та**, хизматлар кўрсатиш ва сервис соҳасида **385,9 миллиард сўмлик 114 та**, қишлоқ ҳўжалигида **163,6 миллиард сўмлик 79 та** лойиҳа бажарилди.

Мисол учун, Самарқанд шаҳрида "Family Park" масъулияти чекланган жамияти томонидан умумий қиймати **57,5 миллиард сўмлик** замонавий савдо комплекси, муз саройи ва кўнгилочар маскан ташкил қилиш орқали **76 та** янги иш ўрни яратилди.

Каттакўрғон туманида эса "SAMARQAND QULUPNAY INPEX" масъулияти чекланган жамияти томонидан умумий қиймати **7,2 миллиард сўм** бўлган қулупнайчилик ҳўжалиги ташкил этилди ва бу ерда **35 киши** доимий иш билан таъминланди.

Вилоят инвестиция ва ташқи савдо бошқармаси ахборот хизмати.

Шу йилнинг 22 январь куни Самарқанд давлат университетида Ўзбекистон талабалар ассоциацияси ташкил этилди.

Ўтган давр мобайнида ассоциация республикамиздаги 75 та олий таълим муассасасида таълим олаётган 3000 нафарга яқин талабани қамраб олди. Онлайн платформа орқали аъзоликка қабул қилиш давом этмоқда.

Ассоциацияга доир тарғиботлар ўзбек, рус, инглиз, француз тилларида видеороликлар тайёрлаб, талабаларга тақдим этилди. Уларнинг фикри ўрганилмоқда.
ZOOM платформаси орқали республика

Талабалар ассоциацияси ёшларни бирлаштирмоқда

олий таълим муассасалари талаба-ёшлари ўртасида тақдир ва мулоҳазалар ўрганилди. Шунингдек, олий ўқув юртлирида ассоциация вакиллари сайланди.

Республикамиз ва хориж олий ўқув юртлирида тахсил олаётган талабалар ўртасида халқаро илмий-амалий конференция ташкил қилиниб, фаол иштирок этган талаба-ёшларга ассоциациянинг махсус сертификатлари топширилди.

Ўзбекистон ёшларини, уларнинг дадил ташаббусини чин юракдан қўллаб-қувватлайман, - дейди Голландиядаги Лейдин университети магистранти Кае Мария Александра. - Талаба-ёшларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, ўзаро бирдамликга эришиш жуда муҳим масала. Бу ассоциация тез орада Ўзбекистон ёшларини бирлаштиришга хизмат қиладиган тузилмага айланади.

Самарқандлик ёшлар ташаббуси, Президенти



дентимиз эътибор ва ғамхўрлиги билан дунёга келган мазкур тузилманинг асосий мақсади - бир олий ўқув юрти билан иккинчи бир олий ўқув юрти талабалари ўртасида алоқа ўрнатиш, ёшларнинг чет мамлакатларда таълим олишини таъминлаш, умуман, уларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлашдир.

Аллаёр НОРБОВЕВ,
ассоциация аъзоси.

«Хотира»

Сайқали рўйи замин – Самарқандда таваллуд топиб, унинг бағрида улғайиб, ҳалол меҳнати ордин ибратли умр кечирганлар эл хотирасидан ўчмайди. Ана шундай инсонлардан бири қадрдон дўстимиз Мансур Жабборовдир.

Юртга хизматда ибрат эди



М.Жабборов 1940 йил 14 апрелда Самарқанд шаҳрининг қадимий Чорраха маҳалласида туғилган. Унинг болалиги, улғайиб зиёли инсон бўлиб вояга етиши она шаҳрининг ана шу гўзал гўшасида кечди. У қадимий шаҳарни сева, унинг умрбоқий обидалари, ўтмиш

тарихи билан қизиқарди. Шу боис 1957 йилда маҳалладаги 10-ўрта мактабни битиргач, Самарқанд давлат университетининг тарих факультетига ўқишга кирди. Университетни тугатиб, ташкилотчилиги, ташаббускорлиги, топширилган ишга масъулия билан ёндашиши боис нуфузли лавозимларда ишлашга тавсия этилди.

У қатор йиллар шаҳар, вилоят ижроия қўмитасида раис ёрданчиси, вилоят партия қўмитаси фан ва илмий ишлар бўлими мудири, ҳозирги маънавият ва маърифат бўлими етакчи мутахассиси, вилоят ёдгорликларни қўриқлаш бошқармаси бошлиги лавозимларида меҳнат қилиб, вилоятнинг ижтимоий, маънавий, маданий тараққиётига ўз хиссасини қўшди.

М.Жабборов қайси ташкилотда ишлагани ўзининг фидойилиги, меҳнатсеварлиги ва очиққўнғиллиги билан жамоада ҳурмат-эътиборга сазовор бўлди. У меҳрибон дўст, оилапарвар инсон эди. Ҳузурга юмуш билан келадиган фуқаролардан кўмагини аямас, маҳалладаги жамоат ишларида фаол иштирок этар, ўзининг ғайрати, шижоати билан барчага ибрат кўрсатарди.

У умр йўлдоши Муқаддасхон Жабборов билан маҳаллада намунали оила сифатида тилга тушди, 3 нафар фарзандни тарбиялаб, барчасини олий маълумотли мутахассис қилди.

Дилкаш ва самимий инсон Мансур Жабборов ўтган йили оламдан ўтди. Унинг ибратли умри, хайрли ишлари эл-юртга хизмат қилиш намунаси бўлиб, қалбимизда яшайди.

БИР ГУРУҲ ДЎСТЛАРИ.

СамДУга хориждан профессорлар келган

Самарқанд давлат университетининг олий таълим муассасалари билан ҳамкорлиги самарасида Ҳиндистон технология институтининг профессори Малла Правин Бҳаса университет Инсон ресурсларини бошқариш факультетидики Иқтисодий йўналишидаги бакалавр ва магистрлар учун "Глобал иқтисодий ривожланиш" фанидан маҳорат дарслари ўтмоқда.



Профессор Малла бизга Канададаги меҳнат фаолияти, Финландиядаги илмий тадқиқот ишлари, Ҳиндистоннинг камбағаллик муаммосини ҳал этиши, 30 йил ичида озиқ-овқат маҳсулотларини импортчида экспорт қилувчи давлатга айланиши мавзуларида маърузалар ўқиди.

Факультетимизда масофавий таълим ҳам амалга оширилмоқда. Хусусан, Россиянинг Томск, Тамбов, Қозон университетларининг етакчи-профессор ўқитувчилари билан ҳамкорликда илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда.

Дилдора ХАЙРУЛЛАЕВА,
Феруз МИРМАДИЕВ,
СамДУ талабалари.



«ЁШЛАР дафтари»дагилар тадбиркорлик борасида билимга эга бўлишди

Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳузуридаги Бизнес ва тадбиркорлик олий мактаби Самарқанд филиалида "Ёшлар ва хотин-қизларда тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш" мавзусида ўқув-семинар бўлиб ўтди.

Асосан «Ёшлар дафтари»да рўйхатга олинган ёшлар қатнашган семинарда бизнес-режа қандай тузилади, бошловчи тадбиркорлар учун SWOT таҳлили қай даражада аҳамиятли каби саволларга маҳоратли бизнес-тренерлар томонидан жавоб берилди. Иштирокчилар 10 кун давом этган курсда тадбиркорлик борасидаги билим ва кўникмаларга эга бўлишди.

К.МАЪРУПОВ.
Бизнес ва тадбиркорлик олий мактаби бош мутахассиси.



Каттақўрғон тиббиёт коллежи Абу Али ибн Сино номидаги жамоат саломатлиги техникумига айлантирилган бўлиб, унда мамлакатимизнинг турли вилоятларидан келган 600 нафар талаба тахсил олади. Талабалар ҳамширалик иши, стоматология, фельдшер-акушерлик, фармацевтика, тиббий профилактика ҳамда фельдшер-лаборант йўналишларида ўқийди. 23 турдаги тўғарак иши олиб боради.

Талабалар орасида тиббиёт илмини ўрганиш баробарида спорт билан ҳам жиддий шугулланаётганлари кўп, - дейди таълим муассасаси раҳбари Эркин Нурназаров. - Мафтунна Асророва, Мухсина Йўлдошева, Шаҳноза Жабборова, Достон Аброуев, Интизор Мирзаевалар спортнинг волейбол, каратэ, армрестлинг каби турлари бўйича вилоят, республика ва Марказий Осиё чемпионларидир. Шунингдек, бу ердаги маҳоратли педагоглар Назокат Худойбердиева, Хадича Умарова, Жамила Шарарова, Насиба Рўзиевалар давлатимизнинг нуфузли мукофотлари билан тақдирланган.

Тоҳир НОРҚУЛОВ.

Суратда: ҳамширалик иши йўналиши бўйича машғулотлар жараёни тасвирланган.

REKLAMA, E'OLONLAR, BILDIRISHLAR / Gazetamiz haftada uch marta - seshanba, payshanba va shanba kunlari chop etiladi / Gazetada chop etilayotgan reklama va e'lonlar tezkor, samarali va hamyonbop / MUROJAAT UCHUN TELEFON: 66-233-91-56

Қутлаймиз!
Хурматли дўстим Зумрад Ҳусайнова
Сизни қутлуғ 70 ёшингиз билан табриклайман!

З.Ҳусайнова ўрта мактабни битириб олий маълумотли бўлгач, маиший хизмат кўрсатиш соҳасида узоқ йиллар самарали меҳнат қилди. Ходимликдан раҳбарликкача бўлган машаққатли йўлни босиб ўтди. Иш жараёнида барчага бир хил муомалада бўлиб, қўлидан келган ёрдани ҳеч қимдан аямасди. 19 январда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Бахрамова Феруза Заировна нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Самарқанд шаҳри Амир Темур кўчаси, 108-уй.

Мўмина ГУЛЯМОВА,
Самарқанд шахри.

ДАЪВОЛАР БЎЛСА

Самарқанд шахрида хусусий амалиёт билан шугулланувчи нотариус Алиева Лола Заировна нотариал идорасида марҳум Мухтаров Азимга (2000 йил 14 декабрда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Жўраев Камолдин Мухиддинович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Самарқанд шаҳри Ўзбекистон кўчаси, 35-уй.

Самарқанд шахрида хусусий амалиёт билан шугулланувчи нотариус Алиева Лола Заировна нотариал идорасида марҳум Мухтаров Азимга (2000 йил 14 декабрда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Жўраев Камолдин Мухиддинович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Самарқанд шаҳри Мирзо Улуғбек кўчаси, 80-уй.

Самарқанд шахрида хусусий амалиёт билан шугулланувчи нотариус

Бахрамова Феруза Заировна нотариал идорасида марҳум Исмаилов Акбарали Аскарловичга (2020 йил 6 июнда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Бахрамова Феруза Заировна нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Самарқанд шаҳри Амир Темур кўчаси, 108-уй.

Самарқанд шахрида хусусий амалиёт билан шугулланувчи нотариус Умаров Акмалжон Шавкатович нотариал идорасида марҳум Саидов Махмуджон Меликовичга (2020 йил 14 октябрда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Умаров Акмалжон Шавкатович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Самарқанд шаҳри Амир Темур кўчаси, 52-уй.

Жомбой туманида хусусий амалиёт билан шугулланувчи нотариус Маматқулов Отабек Болбекович нотариал идорасида марҳум Саидов Уринбайга (2020 йил 9 декабрда ва-

фот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Маматқулов Отабек Болбекович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Жомбой тумани Сарой кўчаси, 15-уй.

Самарқанд шахрида хусусий амалиёт билан шугулланувчи нотариус Исмоилова Шахло Бахрилоевна нотариал идорасида марҳум Абдуллаева Зибиға (2018 йил 19 январда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Исмоилова Шахло Бахрилоевна нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Самарқанд шаҳри Абдураҳмон Жомий кўчаси, 17-уй.

Ургут туманида хусусий амалиёт билан шугулланувчи нотариус Хошимов Ғолиб Бахтиёрович нотариал идорасида марҳум Меҳмонқулова Муқаддамга (2007 йил 4 январда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилган. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Хошимов Ғолиб Бахтиёрович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Ургут шаҳарчаси Навоий шоҳкўчаси.

Самарқанд шахрида хусусий амалиёт билан шугулланувчи нотариус Алиева Лола Заировна нотариал идорасида марҳум Мухитдинов Саидга (2015 йил 14 майда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Алиева Лола Заировна нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Самарқанд шаҳри Мирзо Улуғбек кўчаси, 80-уй.

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Самарқанд вилоят ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат қорхонасининг Ургут туман филиалидан Меҳмонқулова Муқаддамга (марҳума) қарашли Ургут тумани Урамас маҳалласи, 54-уй учун 2019 йилда берилган кадастр ҳужжатлари тўплами йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Самарқанд шахридаги 7-ўрта мактабдан 1989 йилда Джабарова Феруза Эргашевна номига берилган Б № 251939 рақамли тўлиқсиз ўрта маълумот тўғрисидаги гувоҳнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Самарқанд шахридаги 7-ўрта мактабдан 1993 йилда Маликова Дилфуза Собировна номига берилган А № 248590 рақамли тўлиқсиз ўрта маълумот тўғрисидаги гувоҳнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Самарқанд вилоят ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат қорхонасининг Самарқанд туман филиалидан Абдухамидов Комилжон Икромовичга қарашли Самарқанд тумани Зарафшон маҳалласида жойлашган 17-сонли уй-жой (коттедж) учун 2019 йилда берилган кадастр ҳужжатлари тўплами йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Жомбой қишлоқ хўжалик касб-хунар коллежидан 2018 йилда Омонов Низомиддин Салим ўғли номига берилган А № 103, К № 5107711 рақамли диплом ва унинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

1-Самарқанд педагогика коллежидан 2011 йилда Давлатова Зилола Холмирзаевна номига берилган А № 149997 рақамли диплом ва унинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Пайариқ туманидаги Катта Турк касб-хунар коллежидан 2018 йилда Уракбаева Лола Абдалими кизи номига

берилган К № 5125066 рақамли диплом ва унинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Паст Дарғом агросаноат касб-хунар коллежидан 2013 йилда Абилов Даврон Норип ўғли номига берилган рўйхат рақами 248, К № 2955778 рақамли диплом ва унинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Самарқанд вилоят юридик коллежидан 2019 йилда Дағаров Қувончбек Акбар ўғли номига берилган рўйхат рақами 155, К № 5570357 рақамли диплом ва унинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Дўстлик тиббиёт билим юртидан 1992 йилда Норматова Саодат Исмаилова номига берилган СТ-1 № 450379 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Самарқанд туманидаги 43-(ҳозирги Самарқанд шахридаги 67-) умумий ўрта таълим мактабидан 2004 йилда Абдуллоева Насиба Шарифовна номига берилган У № 1093556 рақамли умумий ўрта таълим тўғрисидаги шаходатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Самарқанд туманидаги 74-ўрта мактабдан (ҳозирги Тойлоқ туманидаги 25-умумий ўрта таълим мактабидан) 1994 йилда Махмудов Машраб Маруфович номига берилган А № 149997 рақамли ўрта таълим тўғрисидаги шаходатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Ургут туманидаги Эшмаматова Лола Хурсандовна яқка тартибдаги тадбиркорнинг (СТИР: 570776084) думалоқ муҳри ва бурчак тамғаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тойлоқ туманидаги 7-умумий ўрта таълим мактабидан 2020 йилда Фатиллов Жавлонбек Ботирбой ўғли номига

берилган УМ № 0538143 рақамли умумий ўрта таълим тўғрисидаги аттестат йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Самарқанд шахридаги 52-ўрта мактабдан 1990 йилда Адиллов Раим Раҳманович номига берилган А № 183736 рақамли ўрта таълим тўғрисидаги шаходатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Нарпай туманидаги 24-умумий ўрта таълим ўрта мактабидан 2001 йилда Раҳимов (ҳозирда Абдуллаева) Латофат Исмоиловна номига берилган О'Р-З № 0802562 рақамли таянч маълумот тўғрисидаги гувоҳнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Нарпай туманидаги 64-умумий ўрта таълим ўрта мактабидан 2001 йилда Баҳридиновова (ҳозирда Джуракулова) Дилноза Хуррамовна номига берилган О'Р-З № 0800566 рақамли таянч маълумот тўғрисидаги гувоҳнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти қошидаги академик лицейдан 2008 йилда Рузиева Лобархон Баҳодировна номига берилган рўйхат рақами 024, L № 044233 рақамли диплом ва унинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Пайариқ туманидаги "CHICKEN GOLD WING" оилавий қорхонасининг (СТИР: 307180856) думалоқ муҳри ва бурчак тамғаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Самарқанд давлат университети ректорати, физика факультети ва оптика кафедраси жамоалари физика факультети декани, доцент Аҳмад Абсанова акиси

Маҳмуд АБСАНОВнинг вафоти муносабати билан таъзия изҳор этади.

“Шеърятимдадир ҳаёт-мамотим...”

Таниқли шоир, драматург, таржимон Мамарасул Бобоевни эслаб



Адабиётимизнинг Ҳамид Олимжон, Ойбек, Фафур Фулом, Абдулла Қаҳҳор, Уйғун, Гайратий каби дарғалари билан бир сафда ижод қилган Мамарасул Бобоев ўз асарларида она юртимизни, меҳнат-каш ва меҳмоннавоҳ ҳалқимизни, меҳр-оқибатни мадҳ этди. Шордан ўнлаб дostonу қасидалар, шеърый китоблар мерос қолди.

“Она қалби” дostonи асосида яратилган радиоспектакль эллик йилдан буён Ўзбекистон радиоси орқали тез-тез таралиб турибди. Мамарасул Бобоев ўтган асрининг 40-60 йилларида “Шарқ юлдузи” журнали, “Қизил Ўзбекистон” газетаси ҳамда Ўзбекистон давлат адабиёт наشريётида адабий ходим, бўлим мудир, муҳаррир вазифаларида хизмат қилди. Иккинчи жаҳон урушида бир қўлда курол, бир қўлда қалам билан шижоат кўрсатди.

Мамарасул Бобоев 1911 йилнинг апрелида Каттақўрғон шаҳрининг Махалла гузариде дунёга келди. Шоирнинг ёшлик йиллари, турмуш шароити оғир даврда ўтди. Бу йилларда Россия империяси юртимизни тутқунлик исканжасида туриб турар, ижтимоий ва иқтисодий ҳаёт ниҳоятда оғир эди. Бир томондан ижтимоий тенгсизлик мил-

лий туйғуларни бўғиб қўяётган бўлса, иккинчидан, ҳамма жойда иқтисодий танглик мураккаблик туғдираётган эди.

Отаси Бобоқул Соли ўғли хунарманд эди. Озроқ саводли бўлганилиги учун уни Мулла бобо дегрез деб ҳам атар эдилар. Мамарасул Бобоев «Умрим кўшиқлари» номли автобиография хотирасида отаси ҳақида куйдагиларни ёзади: «Бизнинг отамиз дегрезлик ишлари билан шуғулланиб, қиш кунларида сандалда ўтириб китоб ўқирди, баъзан китобни балан овоз билан ўқиб менинг ҳавасимни келтирар эди». Отасининг ўша пайтларда машур бўлган «Або Муслим» қиссаси ва «Шоҳнома» асарларини мутолаа қилганлиги ёш Мамарасул қалбиде ижодга ҳавас ва меҳр хисларини уйғотган.

Шоирнинг онаси ҳали гўдақлик пайтларидаёқ вафот этган. Шоир бир

умр она ҳижрони билан яшади, уни ҳаёл тафаккурида буюк сиймо сифатида улуғлади.

У катта опаси Мухсина тарбиясида улғайди, ҳаётнинг маъно-мазмунини англади. 6-7 ёшга кирганида уни маҳалласидаги эски мактабга ўқишга беришади. Каттақўрғондаги Навоий номи мактабни тамомлаган, Бухоро шаҳридаги қишлоқ хўжалик техникумида ўқиди. Унинг бадиий ижоднинг сирли оламига киришида ўша даврда Каттақўрғон шаҳрида танилиб қолган Абдулҳамид Мажидий ва Тошпўлат Саъдий каби шоирларнинг таъсири бор эди.

Шоирнинг “Ватан шаънига” номли илк шеърый тўплами 1939 йилда чоп этилган. Шоир мазкур китобчасидаги мурғак ижодидаёқ “Қанотида юзлаб қиш ва ёз мудрар”, “Ҳаётнинг юзлари садафдай тоза”, “Япроқлар ўйнасар чапақлар уриб” деб куйлайди, ажойиб ташбеҳлар қўллади. Унинг “Ватан иши” шеърыйи она диёрга беқийс муҳаббат акс этади.

“...Менинг асосий мавзум инсон

гўзаллигидир”, деб ёзгани у эсдаликлариде.

Мамарасул Бобоев аста-секин адабиётнинг йирик жанрларига ҳам қўли уриб, ўзининг бадиий ҳофизасини си-наб кўради. 1933 йилда яратилган «Оқ олтин» драмаси ва 1939 йилда ёзилган «Улуғбек» поэмаси ана шу изланишлар меваси эди. «Улуғбек» поэмасида адиб XV асрнинг буюк алломаси, фалақийёт ва риёзийт илми билимдони Улуғбек образини маҳорат билан яратди. Асарда олимнинг жаҳолат ва разолатга қарши олиб борган курашлари, юксак инсоний хислатлари поэтик чизгиларда кўрсатиб берилган. Масалан, Улуғбек ўғли Абдулатиф билан жангда енгилгач, шундай дейди:

*Халқ фарзанди илм боғининг
Бир соҳибкор боғбони бўлсин.
Кенг Ватаннинг иқбол тугуни
Фан қўлила, очилар, билсин.*

Иккинчи жаҳон уруши ва бу давр билан боғлиқ халқнинг жасорати, қаҳрамонлиқлари ҳам М. Бобоев шеърыйида ажралиб туради. Бу мавзуда шоир уруш йилларида, урушдан кейин ҳам баракали ижод қилди. «Жанговар дўст», «Хайр, жонон», «Ўғил мак-туби» каби шеърлар яратди. «Эрон осмони остида» деб номланган туркум шеърлари ҳам 1941-1946 йилларда жангоҳлар ва фронт ортида яратилди.

Бу даврда келиб Мамарасул Бобоев энди ўзбек адабиётининг таниқли шоирига айланган эди. Агар шоир ўзбек адабиёти хазинасида ўнлаб шеърый тўпламлар, 3 драма, кўплаб

поэма ва ўттизга яқин адабиётшунос-ликка оид мақолаларни қолдирган бўлса, уларнинг асосий қисми урушдан кейинги даврда ижод қилинди. Адибнинг «Шодиёна», «Қўёш йўли», «Севги кўшиқлари», «Ота қувончи», «Янгра, рубоб», «Айни ёз», «Шеърлар», «Танланган асарлар» шеърый китоблари, «Она қалби» поэмаси шу даврнинг маҳсулидир. Бу даврда рус тилида ҳам шоирнинг бир неча китоби чоп қилинди. 1958 йилда инглиз тилида босилган «Ўзбек поэзияси» тўпламидан ҳам унинг энг сара шеърлари ўрин олганди.

“Она қалби” дostonида шундай сатрлар бор:
*Қўзим ўхшар эмиш сенинг қўзингга,
Ўхшашлигим бормиш фаҳим, тусимда.
Сўзим ўхшар эмиш сенинг сўзингга,
Демак, қалбинг тепар менинг кўксимда...*
“Она қалби” дostonи асосида дра-матик асар ҳам яратди. Ўтган асрнинг 60-йиллари бошида мазкур драма Қўқон ва Каттақўрғон театрларида муваффақиятли сахналаштилди.

Тўғри, М.Бобоев ижодига тазийқлар ҳам бўлганди. Аммо танқидчилар ҳужу-ми ҳам М.Бобоев ижодининг гуллашига раҳна солмади.

“... Шеъримдадир ҳаёт-мамотим,” дея жўшқин сатрлар битган шоирнинг чироғи ўчмайди. Шу боис, каттақўрғонликлар шоирнинг 100 йиллигини муносиб нишонляпти.

**Абдуазиз ҲОШИМОВ,
Ўзбекистон Журналистлари
ижодий уюшмаси аъзоси.**

«... Ёнимиздаги одамлар ...»

Куёш кўноғидан қўзғалмасданоқ қўй-қўзиларини қир-адирларга ҳайдаб юборган Жўлибой катта харсанг тош устига ўтириб, фаранг адиби Д.Дефонинг “Рабинзон Крузо” китобини қўйиндан чиқарди. Асарни ўқир экан, бош қаҳрамоннинг бошидан ўтган азоб-уқубатлари ҳақида ўйга толди.

Матонатдан сабоқ бераётган матонат эгалари

Наҳотки, инсон йиллар давомида ҳеч ким билан мулоқот қилмай яшай олса? Бунинг учун қанча матонат керак бўларкан-а? Ў ўзбек ёзувчилари О.Ёқубов ва Ў.Ҳошимовларнинг асарларидаги қаҳрамонларнинг ҳам сабр-тоқатига, тирик қолиш учун қўлидан келган ишларни бажариши мумкинлигига қойил қоларди. Уларни ҳаётий воқеликлар билан ҳаёлан солиштирарди. Ҳа, инсон қанчалик қийинчиликларга учрамасин ҳаётнинг бешафқат синовлари ва тўсиқларини енгиб ўтишда ўзида ишонч, сабр-бардош топа олиши керак.

– Жўлибой ухлаб қолдингми? – дўсти Пардабойнинг овозидан сергак тортиди. – Ёзувчиларга қойил қоламан дўстим. Улар асарларидаги воқеаларни қаердан олишар экан-а? – деди Жўлибой. – Асар қаҳрамонлари ҳар бир ўқувчини матонатли, жасур, шижоатли, садақатли ва мард бўлишга ундайди-я.

Бироқ орзулари осмон каби беғубор, кўнгли замин каби кенг бўлган бу йигитни олдинда ҳаётнинг шафқатсиз синовлари кутиб турганлигини билмас эди...

1961 йили Қўшрабат туманидаги Оғатепеа қишлоғида туғилган Жўлибой Исмоилов қишлоғидаги 13-мактабни тугатиб, Самарқанд давлат университетига ҳужжат топширди. Аммо бахти қўлмаган экан, имтиҳондан ўтмади. Тақдирга тан берган йигит Сирдарё вилоятидаги қурилиш-коммунал техникумига ўқишга кирди. 1980 йилда техникумни битириб, ҳарбий хизматга қақирилди. Германияда хизмат бурчини ўтаётган Жўлибой дала ҳарбий ўқув-машғулотлари пайтида бахтсиз ҳодиса туфайли икки кўздан жароҳат олди. Москва, Ленинград, шунингдек, Украинанинг бир қатор шаҳарларида

жойлашган ҳарбий госпиталларда даволанди. Бироқ бу самара бермади. Қалбиде дард-алам билан уйига қайтган йигит тушкунликка тушмади, шижоатли бўлиб олға интилди. Жўлибой 1983 йилда Самарқанд кўзи охишлар ишлаб-чиқариш комбинатига ишга кирди. Қўнт билан Брайл ёзувини ўрганди. Аввал шу жамоада ходим, кейинчалик раҳбарлик лавозимларида ишлади. Изланиш ва урнишдан чарчамаган инсон, ниҳоят 1987 йилда Самарқанд давлат университетининг тарих факультетига ўқишга кириш баҳтига муяссар бўлди. Тахсилни тугаллаб, шаҳардаги 59-ихтисослаштирилган мактаб-интернат тарбияланувчиларига тарих, география фанларидан сабоқ бера бошлади. Унинг дарслари савол-жавоблар ва қизиқарли сўхбатлар билан қизгин ўтарди. У ўзининг бор куч-ғайратини ўқувчиларга билим беришга, уларни ҳаётда сабрли, билимли бўлишга ундади.

Жўлибой аканинг хизматлари эътироф этилиб, “Халқ таълими аълочиси”, “Халқ таълими фидойийси” каби кўкрак нишонларига сазовор бўлди. Икки ўғил ва икки қизинг отаси, 5 нафар набиранинг бобоси Жўлибой ака ҳаётидан мамнун. Фарзандларининг барчаси олий маълумотли. Бир ўғил ва келини ўзи ишлайдиган мактабда издош бўлиб, ёшларга таълим-тарбия бериб келмоқда.

– Мен ҳаётимдан ва ўзининг 60 йиллик юбилейини нишонлаётган мактаб-интернатимизнинг аҳил жамоасидан миннатдорман, – дейди Ж.Исмоилов. – Чунки жисим хаста бўлса-да, ниятим пок, ҳаётда ўз ўрним ва хурматга эга бўлдим. Юртимиз тинч эканлигидан Яратганга шукр қиламан!

Клара ИБРАГИМОВА.

Ижодни ҳаётининг бир қисми деб билган инсон

Вилоят кўғирчоқ театрида болалар учун турли образлар яратган фидойи инсон, ижодкор-рассом Николай Султонов таваллудининг 70 йиллигига бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

Вилоят кўғирчоқ театри 1978 йилда ўз фаолиятини бошлаган бўлса, Николай Султонов ҳам ўз ижодини айни шу вақтда мазкур театрда бошлади. Бугунги кунга-ча сахналаштирилган спектакллар учун яратган декорациялари, кўғирчоқларининг деярли барчасида унинг қарашлари, дунёси бор. Юзлаб кўғирчоқларга характер берган, болажонларга завқ улашган инсон. Кўғирчоқда асардаги қаҳрамоннинг характери бўлиши керак. Бу мураккаб, шу билан бирга завқли жараёнда Николай Султонов меҳрини бериб ишлайди.

– Ҳаётини ижодсиз тасаввур эта олмай-диган инсон, театримизнинг фидойи рассоми Николай Султонов билан қарийб ярим

асрдан буён бирга ишлаймиз, – дейди вилоят кўғирчоқ театри бош режиссёри, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Шаҳодат Усмонова. – Кўғирчоқлар спектакль давомида ҳам кулади, ҳам йиғилади. Бир неча ҳиссиётни битта сий-мода мужассамлаштириш маҳорат. Мана шу истеъдод Николай акада бор. Яхши театр асари режиссёр ва рассонинг ҳамфикрлиги доирасида яралади. Спектаклларимизнинг муваффақиятида у кишининг хизматлари катта.

Николай Султонов таваллудининг 70 йиллиги кенг жамоатчилик иштирокида ни-



шонланди. Дастлаб театрда унинг яратган асарлари, декорациялари, кўғирчоқлари намойиш этилди. Шундан сўнг вилоят ҳокими Э.Турдимовнинг табрик сўзларини ҳоким ўринбосари Х.Очилов ўқиб берди. Маданият вазирлиги, вилоятимиздаги театр жамоалари, шоғирдаларининг табриклари, эзгу тилаклари фидойи рассонини яшартирди. Яна янги образлар яратишга куч берди.

Яқинда барча вилоятларда танловнинг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Унда мен каби дастлабки саралаш ва туман босқичидан ўтган ёшлар иштирок этди. Бу ерда ташкилотчиликдаги энг қўпол камчиликлардан бири шуки, туман босқичи бир кунда ўтказилмади. Масалан, аввал Нарпай туманида, кейин Каттақўрғон, Пахтачи туманларида бўлиб ўтди.

Шунинг учун дастлаб танлов бўлиб ўтган тумандаги қатнашчилар кейинги тумандагиларга саволларни бўлишиш имконига эга бўлди. Чунки туман босқичининг иккинчи шартиде тузилган саволлар айнан бир хил. Бундан кўринадики, танловга келаётган иштирокчи савол туғли жавобини ҳам билиб келади (эҳтимол, шундай бўлгандир ҳам). Ташкилотчилар аввало, саволларни турлича қилиши, модомики, бир хилдаги саволлар экан, танлов кунини бир вақтда белгилаши керак эди.

Вилоят босқичи масаласида. Иштирокчилар уч шарт бўйича беллашди. Биринчи шарт – адиблар ҳаёти ва ижодини икки дақиқада шарҳлаб бериш. Низом бўйича бунда адибнинг туғилган ва вафот этган йилини, асарларини санаб ўтиши, адиб

«ЁШ КИТОБХОН» танловидан кўнглим қолди

асарининг қисқача мазмунини баён этиши, адибнинг эътирофлари ҳақида гапириши лозим. Низом бўйича китобхонлар ёзувчи, шоирнинг ҳаёти ва ижодини гапириб беришса, ҳакамлар эътироз билдиришига гувоҳ бўлдим. Масалан, асарларни санаб ўтишни олайлик. Айрим адибларнинг асарлари кўп, барча асарини эмас, ярмини санаб ўтса, белгиланган вақт тугайди. Ҳакамларда «нега бошқа асарларини айтмадинг», деган саволга ўрин қолади, керакли бал олиб ташланади (шундай бўлди ҳам).

Асарларни шарҳлаш шартини ҳам шундай: 2 дақиқа етмайди. Агар бунда фақат битта асарини шарҳлаб вақтдан ютсангиз, қолган асарлар шарҳланмади, деган эътирозлар бўлади.

Кўриб турганимиздек, оддий ва мантисиз тузилган танлов тартиби иштирокчиларни ҳаққоний баҳолаш ўрнига ҳакамларда ноҳолислик қилишга имкон яратади. Назаримда, бу имкониятдан ҳакамлар завқу шавқ билан фойдаланди ҳам. Ҳар ҳолда иштирокчи сифатида мен ана шу мантисиз талабдан азият чеқдим.

Иккинчи шартда асардан парча тушади. Кейинги мантисизлик шундаки, айрим

парчалар ниҳоятда умумий бўлиб, асарни топишда қийинчилик юзага келтирса, яна айрим парчаларда воқеалардан ташқари, асар қаҳрамонлари исми ҳам бор. Яъни, ниҳоятда осон. Бу эса иштирокчиларда турлича имконият юзага келтирди. Билимлар беллашуви эмас, лотореяга кўпроқ ўхшаб қолди бу шарт. Кимнинг омади чопса, тайёр асар қаҳрамони исми ёзилган қоғоз...

Дарвоқе, юқоридеги шартда айтилган парчани топгандан сўнг асарни уч дақиқа ичида шарҳлаш керак. Энди ўйлаб кўринг, “Граф Монте Кристо” 2 та китоб, “Америка фожиаси” 3 китобдан иборат. Тушунгандирсиз? Ҳўп, бу вақтда асосий мазмун, гоёсини айтиш мумкин-дир, лекин танлов шартиде шарҳлаш айтиляпти. Айнан шарҳлаш! Кечирасизу, менда бир савол юзага келяпти: Ўзи танлов шартларини ким тузган?

Кейинги эътироз. Танловнинг вилоят босқичи 20 февралдан 27 февралга ўтказилди. Худди туман босқичларидаги каби вилоят босқичлари ҳам барча вилоятларда ҳар хил санада бўлди. Туман босқичларида йўл қўйилган камчилик яна такрорланди.

Агар ҳакамлар гуруҳи битта

«... Мулоҳаза ...»

бўлганида тушуниш мумкин эди. Аммо ундай эмас экан. Ҳўп, нега бўлмаса танлов бўлиб ўтган вилоятдан саволларни бошқа вилоятларга етказиш имконияти яна яратиб берилди? Нега ёшларга ҳалол баҳсда голиб бўлиш имконини тўлиқ яратилмади? Нега 70-80 фоиз саволлар такрорланди? Учинчи шарт эркин мавзу эди. Бунда ҳам бериладиган саволларга эътироз бор. Аввало яна такрорий саволлар. Яъни, иштирокчи ўздан олдинги иштирокчини кузата туриб ҳам голиб бўлиши мумкин. Чунки баъзи ҳолларда саволлар худди ўша-да! Менимча, танлов ташкилотчиларидаги саволлар базаси ўта ғарибона бўлган...

Яна бир ҳолат шуки, айнан бир хил савол барча ёш тоифасидаги иштирокчиларга тушяпти. Наҳотки, «Ёшлик» журнаliga оид саволга жавоб бериш барча ёшдаги ўқувчи учун эмаслигига ташкилотчиларнинг савияси (узр) етмайди?

Аслида айтиладиган эътирозлар кўп эди. Энг қўпол кўринганларини айтишимдан мақсад кейинги йилларда танловнинг пишик, пухта ўтказилиши. Чунки бундай камчилик ва нуқсонлар баҳолашда хатоликлар келтириши билан бирга ёш китобхонларнинг ҳафсаласини пир қилиши мумкин.

**МУНИСА ШАМСИЕВА,
ёш китобхон.**



Мустақиллик йиллари Самарқандда

2001 йил, ноябрь

“Samarqandda tayyorlangan” ёрлиғи билан “Самарқанд-лифтсозлик” корхонаси 23,5 минг АҚШ долларлик маҳсулотни Россияга экспорт қилди.

4 ноябрь куни Самарқанд шаҳри куни ва Бибиҳоним таваллудининг 660 йиллиги нишонланди.

17 ноябрь куни Европа тикланиш ва тараққиёт банки президенти Жан Лемъер бошчилигидаги делегация Самарқандга келди.

Самарқандда чет эллик сайёҳларга мўлжалланган 4 юлдузли “Президент-Палас” меҳмонхонаси қурилиши тендерда голиб чиққан Германиянинг “Инпро Олмония” ҳамда Югославиянинг “Энергопроектхолдинг” компаниялари томонидан қурила бошланди.

декабрь

Самарқанд давлат чет тиллар институтига “Хорижий филология: тил, адабиёт, таълим” номли янги журнал фаолиятини бошлади.

ЮНЕСКО Жаҳон мероси кўмитасининг 12-16 декабрь кунлари Финляндиянинг Хельсинки шаҳрида ўтказилган йўғилишида Самарқанд ЮНЕСКОнинг жаҳон мероси рўйхатига киритилди.

26 декабрь куни вилоят ҳокими Ш.Мирзиёевнинг қарорига кўра, Абдимўмин Жўраев Паст Дарғом тумани ҳокими этиб тайинланди.

2002 йил, январь

Самарқанд тиббиёт коллежи қошида стоматология поликлиникаси фаолиятини бошлади.

Германиялик ишбилармон Хайнц Эккенбех Самарқанд давлат чет тиллар институти кутубхонасига 30 минг АҚШ долларлик уч минг донна китоб совға қилди.

16 январь куни Япония Бош вазирининг махсус вакили Йоширо Мори бошчилигидаги делегация Самарқандга келди.

Самарқанд давлат университети “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати қошида “Nafis” талабалар радиостудияси ташкил этилди.

Вилоят ҳокими Ш.Мирзиёев Саидризо Ализода таваллудининг 115 йиллигини нишонлаш тўғрисида қарор қабул қилди.

февраль

Литва Республикаси Бош вазири Алгирдас Бразаускас раҳбарлигидаги делегация Самарқандда бўлди.